Юксак мукофот соҳиблари

ҲАМИША ҒОЛИБ





Ҳам курашчи, ҳам тадбиркор отанинг қувончи чексиз. Иккала ўғли Бухоро тумани Работиқалмоқ маҳалласидаги Тикончи қишлоғининг олд инсонларига айланди. Айниқса, Шарифжон бир неча бор вилоят, республика ва Осиё миқёсидаги мусобақаларда юртимиз байроғини юқориларга кўтарган. У қайси мусобақага бормасин, ҳамиша ғалаба билан қайтади. Кўкси ҳам медалларга тўлиб тошди...

Қишлоқдаги 18-мактабда очилган эркин кураш спорт тўгарагига аъзо бўлган Шарифжоннинг қобилиятини Бегимурод Рўзиев вақтида пайқаб, у билан жиддий шуғулланди.

Шарифжон 9-синфда ўқиётганда спортнинг эркин кураш тури бўйича вилоят ва республика чемпиони бўлиб, илк маротаба олтин медаль соҳибига айланди.

Бухоро шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежининг эркин кураш йўналишида таҳсил олган йиллари эса Шарифжон тажрибали ва малакали мураббийлардан сабоқ олди. У нафақат эркин кураш, балки жанговар самбо бўйича ҳам жиддий шуғулланди.

2013 йили Бухоро шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақада ўз вазн тоифасида қатнашиб, икки карра чемпион, 2015 йилда жанговар самбо спорт тури бўйича вилоят кубогига эгалик қилган бўлса, 2016 йили Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган очиқ турнирда мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, Осиё кубоги мусобақасига йўлланма олди. Ва шу йили Қозоғистонда ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби бўлди.

2017 йили қўл жанги спорт тури бўйича республика турнирида биринчи ўринни эгаллаган Шарифжон ҳеч қачон ютуқларидан қониқиб қолмади. Ўз устида тинмай ишлади, изланди. Айниқса, спортнинг аралаш жанг санъати турини ҳам қунт билан ўрганди...

Вилоят ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядида хизмат қилиш учун спортчилар ўртасида ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтган қаҳрамонимиз отряднинг иккинчи ишғол қилиш гуруҳида хизмат фаолиятини бошлади. Айни пайтда катта мутахассис лавозимида хизмат қиляпти.

– Шарифжон ўтган тўрт йил давомида спортнинг қўл жанги ва жанговар самбо турлари бўйича мунтазам равишда шуғулланиб, вилоят, республика ҳамда Марказий Осиё давлатлари миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2019 йили Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари ўртасида спортнинг жанговар самбо тури бўйича республика чемпионатида биринчи ўринни олди. 2021 йил шаҳримизда ўтказилган аралаш жанг якка кураши (MMA) ва (ATF) figbting ҳамда UCS турлари бўйича халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Яна аралаш жанг якка кураши (ATFC-3) figbting турида ҳам ғалаба қозонди, – дейди отряд командири ўринбосари, майор Алишер Назаров.

Қаҳрамонимиз 2022 йилни ҳам омадлар йилига қўшди десак, хато бўлмайди. Яъни, Тошкент шаҳрида спортнинг аралаш жанг якка кураши MMA «OKTOGON» U-1 figbting халқаро турнирида, шунингдек, Бухоро шаҳрида ўтказилган аралаш жанг якка кураши (ATF) BRAVE йўналишларида мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Шундай қилиб, сержант Шарифжон Қўшаев етти карра халқаро турнирлар ғолиби бўлди. У қўл жанги, аралаш жанг санъати ҳамда жанговар самбо спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибига киритилди. Қолаверса, спортнинг самбо тури бўйича «Спорт устаси» даражасига эга бўлган.

Қаҳрамонимиз тўрт йиллик хизмат фаолияти давомида 50 тага яқин тезкор тадбирларда фаол иштирок этиб, унинг ташаббуси билан 7 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Шунингдек, 8 та ноқонуний қурол-яроқ сақлаш, 12 та гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси, 3 та экстремистик оқимлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни аниқлашда жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари, 7 та уюшган жиноий гуруҳни қўлга олишда фаол иштирок этди.

- **Хавфли жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган жасорати ҳамда спорт соҳасида эришган қатор ютуқлари, қолаверса, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун яқинда Ёшлар куни муносабати билан «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.**

– Муҳтарам Президентимиз ҳамда хизматдошларимнинг ишончини оқлаш учун ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, хизматда ва спортда катта ютуқларни қўлга киритиш ниятидаман. Бугун нимагаки эришган бўлсам, аввало, ота-онамдан, устозларимдан, айниқса, аралаш жанг санъати спорт тури бўйича бир неча йиллардан бери мураббийлик қилиб келаётган Музаффар Ражабовдан чексиз миннатдорман, – дейди Шарифжон ғурурланиб.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

Хизматларда

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ОРҚАЛИ

Навбатчилик қисмлари ички ишлар органлари иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида қонуний қарорлар қабул қилинишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Фуқароларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид хабарлари Навоий вилояти ИИБ «102» автоматлаштирилган тизими орқали қабул қилинади. Бу эса келиб тушаётган ҳар бир тезкор хабар асосида туман-шаҳар ИИБ тергов-тезкор гуруҳлари ходимларининг ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан етиб бориб, тегишли чора-тадбирлар кўришларига имкон яратмоқда.

Маҳлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.





Суратларда: вилоят ИИБ навбатчилик қисми ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

«ДАВЛАТ ГЕРБИ – ИФТИХОРИМ» танловига

ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

ЭССЕ

Мен мустақилман. Фарзандларим, невараларим мустақил. Юртим озод, юртдошларим ҳур. Тилимиз давлат мақомида, эътиқодимиз эмин-эркин. Бош қомусимиз бошимизда ҳуқуқий соябон...

Буларнинг барини бутун башариятга билдиргувчи давлат рамзларимиз бор. Қаддимиз ва қадримиз тимсоли бўлган, миллий-маданий меросимизни мужассамлаштирган байроғимиз, қалбларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини жўштирадиган, миллий ғурур, ўзига хос фахр, энг муҳими, юртга меҳр уйғотадиган, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, орзу-ўйи, маслак-мақсади ўз тажассумини топган мадҳиямиз бор.

Айниқса, пастки қисмида тенглар ичра тенг бўлган давлатимиз байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилмаган тақдирда ҳам, ҳар бир тафсили бу менинг бетакрор юртим эканини англатиб турувчи Давлат герби бор.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг ўзига хослиги шундаки, унда акслантирилган ҳар бир тафсил ўзининг теран маъносига ва фалсафий мазмунига эга. Гербнинг марказида бошқа давлатларнинг тамғаларида бўлгани каби, ёвқур панжаларини ён томонга ёйган, дарғазаб бўлиб турган ёввойи қуш эмас, билъакс бахт ва эрксеварлик рамзи бўлган Ҳумо қуши тасвирланган. Ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган Ҳумонинг парвозга шай қанотлари бўйлаб жойлашган чамбарнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари тўкин дастурхонимизу мўл ризқу рўзимиздан, ўнг томондаги чаноқлари очилган ғўза шохлари эса фахру ифтихоримизга айланган миллий бойлигимиздан дарак бериб турибди.



Азалий анъаналаримиз, асотирларимизнинг асосий атрибутига айланган Ҳумо қушининг ортидаги гуллаган водий, икки дарё кокилини юваётган она замин узра заррин нурларини сочаётган бобо қуёш, халқимизнинг ғуруридек сарбаланд тоғлар бу юрт Ўзбекистон дея аталувчи, эл суйиб тилга олгувчи ердаги жаннат, фирдавсмонанд ўлка эканидан далолатдир.

Гербнинг юқори қисмидан жой олган саккизбурчакнинг ички қисмида тасвирланган ярим ой ва юлдуз нафақат республикамиз ҳурлигининг қутлуғ рамзи, балки эрк ва озодликни азиз жонидан-да ортиқ кўрган, мустақиллик ва ҳурлик учун курашган аждодларимиз руҳи мангу барҳаётлигини ҳам англатади.

Бир сўз билан айтганда, давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белгидир. Республикамиз давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихи ва интилишларини ўзида акс эттириб, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимизнинг ифодасидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидаги рамзлар ва тимсоллар халқимизнинг қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини ҳамда юртимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг анъаналарини ўзида акс эттириш баробарида, тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ҳам ифодалайди.

Темир ҚУРБОН.

Ёшлар – келажак бунёдкори

ҲУШЁР ИНСПЕКТОР

хорижлик сайёҳнинг ҳаётини сақлаб қолди

Ёз ойи. Жазирама иссиқнинг шашти баланд. Германиялик сайёҳ Ш.Йоханнес Урганч шаҳридаги диққатга сазовор жойни томоша қилаётиб, ўзини ёмон ҳис қилди. Пиёдалар йўлагидан зўрға одимлаётган хорижлик меҳмон бирдан йўл чеккасидаги дарахтга суянганча ўтириб қолди.



Бу ҳолатга кўзи тушган Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ЙПХ катта инспектори, катта лейтенант Азизбек Болтаев дарҳол унинг ёнига бориб, ҳол-аҳвол сўради. Сайёҳ хизмат кийимидаги ходимнинг хорижий тилда эркин ва равон гапираётганини эшитиб бироз ҳайратланди ва қон босими ошганлигини, тиббий ёрдамга муҳтожлигини айтди. Катта лейтенант А.Болтаев дарҳол тез тиббий ёрдамга қўнғироқ қилди. Беморни тиббий текширувдан ўтказган шифокорлар уни тезда яқин атрофдаги шифохонага олиб боришди.

Хуллас, инспектор ҳамда шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами ва тиббий муолажалари туфайли беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ўзини яхши ҳис этган сайёҳ тиббиёт ходимларига ҳамда халоскори – катта лейтенант Азизбек Болтаевга самимий миннатдорлик билдирди. Меҳр-оқибатли, меҳмондўст ўзбек элига ташриф буюрганидан мамнун эканлигини изҳор этди...

Соҳанинг илғор кишиси, билимдони бўлишга, ўзининг бутун ҳаётини танлаган касбига бағишлашга интилган лавҳамиз қаҳрамони янгиариқлик Азизбек Болтаев ҳам ёшликдан аниқ мақсад сари дадил одимлади.

Азизбек соҳанинг сир-асрорларини қунт билан ўрганиш баробарида устози – майор Матёқуб Мадаминовнинг маслаҳатларига, насиҳатларига, ўгитларига амал қилди. Билмаганларини сўраб ўрганди.

Мана, тўрт йилдирки, катта лейтенант Азизбек Болтаев йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, вилоятга келаётган сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашда сидқидилдан хизмат қилмоқда.

– Касбига меҳр қўйган киши қийинчиликлардан асло чўчимайди, – дейди вилоят ИИБ ХТТБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Марат Худойберганов. – Аксинча, уни енгишга, муваффақиятларга эришишга, касбининг фидойиси бўлишга интилади. Катта лейтенант Азизбек Болтаевнинг табиатида ҳам ана шундай ижобий хислатларни кўриш мумкин. Бу унинг тажрибали осойишталик посбони сифатида шаклланишида муҳим омил бўлмоқда.

Инсон ҳаёти давомида амалга оширган ҳар бир хайрли иши билан халқ назарига тушади. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам ўзининг фидойи хизмати билан ана шундай эътирофга муносиб бўлаётган ёш ходимлардан биридир.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Маърифат бўстони

«ҚОРАҚАЛПОҚНОМА» — БОЙ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА




Тўлепберген Қайипбергенов 1929 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилган.

Унинг қаламига мансуб «Раҳмат, муаллим», «Совуқ бир томчи», «Котиб», «Қорақалпоқ қизи», «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар» сингари қисса ва романлар, «Қорақалпоқ достони» трилогияси адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Атоқли ёзувчининг адабиётимизни ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари, «Шуҳрат» медали, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда Ватанимизнинг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган.

«Қорақалпоқнома» романи қорақалпоқ халқининг вужудга келиши афсонаси билан бошланиб, қорақалпоқ халқининг одатлари, қадриятларидан тортиб, кўплаб ҳаётий насиҳатларни қамраб олади. Асар шунчаки тарихий бир эссе бўлиб қолмай, унда адиб ўзининг ҳаётдан олган тажрибаси ва хулосалари билан ҳам бўлишади. Асарни адиб ўз-ўзига интервью бериш билан бошлайди ва бу орқали асар гўёки ўз-ўзига ҳисобот бериш, ўзини ўзи маълум маънода тергашга уриниш эканини англаш мумкин. Ўзига хос ҳаётий ҳикоялардан, нақллардан иборат асардан ўқувчилар бой маънавий озуқа олишлари муқаррар. Ундаги нақллар турмушдаги одатий муносабатлардан тортиб, инсониятнинг абадий саволларини ҳам қамраб олади. Роман қиймати ҳамон долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Қуйида асардан парчалар ўқийсиз.



«Қорақалпоқнома»ни ёзиб ўтирибман-у, нимагадир аввало ўз умрим ҳақида ўйлаб, ўзимни кўзгуда кўриб тургандек бўлаверараман. Бальзакка ўхшаб Буюк одамга (ҳарқалай, Бальзак ўзи орқали халқининг буюклигини назарда тутган бўлса керак) ҳурмат деб ўзим ҳақимда ҳангома айтиш олдида бош кийимимни олишга-ку, юрагим дов бермайди-я! Бироқ, барибир, минг хаёлга бораман. Мабодо ўзим деб халқим ҳақида номақбул гап айтиб қўймасмикинман, қабилидаги гумон исканжасида қоламан. Бу нотавон кўнглим ўзини осмон чоғламаяптимикин, дея хавотирланаман.

«Мевали дарахтнинг шохи пастга қараб эгилади, дейилади халқ доноligида.

«Камтарлик – доноларнинг нодонлиги», дер эди Кўча бийи.

Бобом билан гурунглашганимда, ҳар гал у: «Дунёда ўзидан из қолдиришни ният қилмайдиган одам бўлмайди», дерди.

Демак, менинг ҳам ниятим шу китоб орқали ўзимдан, начора, осмондан келсам ҳам айтай, халқимдан муносиб бир из қолдириш эмасми?

Муҳими – одамнинг ўз ортида қандай из қолдиришидагина эмас, замондошлари ва келгуси авлодларнинг уни қандай тушунишида ҳам.

Бобомнинг айтгани: қадимда ўтган бир бойнинг арзанда, ишёқмас ўғли бор экан. Кўзим очиқлигида бунинг овул бошқарганини кўрай деб, хон ҳузурига борибди-да, унинг овулга бий қилиб тайинлангани ҳақида фармон олиб келибди. Орадан кўп ўтмай, бой дардга чалиниб, ўлими олдидан ўғлига:

– Ўғлим, бир насиҳат айтсам, бажарасанми? – дебди.

– Бажараман, – дебди ўғли.

– Мабодо қўл остингдагилар сенинг тўғри гапингга ишонмай қўйгудек бўлса, бундай қилиб кўрган кунингдан ўлганинг яхши, нариги уйнинг харисига дор боғла-да, ўзингни ўзинг ос, – дебди.

Ёш бий бефаросатроқ экан, ёр-жўраларига ёқиш умидида буд-шудини совуриб, кафангадо бўлибди. Унинг хазинага қўшгулик мол-дунёси қолмаганини билган хон саройга чақириб, мансабидан бенасиб қилибди. Ёш бий хафа бўлиб келаётган экан, олдидан бир йўлбарс чиқиб, унга ҳамла қилибди. Узоқ олишувлардан сўнг йигит йўлбарсни ўлдирибди. Овулга етиб келса, улфат-жўралари бир уйда базм қуриб ўтиришган экан. Уларнинг олдига кириб, андак нафас ростлагач, хон саройидан қайтишда йўлда йўлбарсга рўпара келганини, уни қандай қилиб ўлдирганини айтиб берибди.

– Ёлғон ҳам эви билан-да! Одамни лақиллатмоқчи бўласан-а! – дебди жўралари бири олиб, бири қуйиб. – Йўлбарснинг ёлғиз одамга бўй бериши осонми!

Йигит ўжарланиб ҳар қанча тушунтирмасин, барибир уларнинг ишонмаслигига ич-ичдан иқрор бўлиб, уйига қайтиб келибди. Ота васиятига кўра ичкари хонага келини олиб кириб, харига арқон ташлаб, бир учини бўйнига боғлабди-да, келини оёқлари билан тепиб юборибди. Унинг салмоғига хари қирсиллаб синиб кетибди. Харининг ичи ковак бўлиб, ковак ҳар хил тилло, кумуш тангаларга тўла экан, бошидан шовва қуйилибди.

Йигит тангаларнинг бир қисмини хонга олиб бориб, ўзининг бийлик лавозимини қайтариб олибди. Хоннинг олдидан келган куниёқ бир уйда базм қуриб ўтиришган ёр-биродарларининг олдига кириб борибди. Саройга нима мақсадда борганини, хондан ўзининг бийлигини қандай қайтариб олганини айтиб берибди. Бу гапни эшитиб, ҳамма уни ўзидан тўрроққа ўтқазиш илинжида ўрнидан тура бошлабди.

– Ё тавба, ҳадеб менга йўлбарс рўпара келаверади-я! – дебди йигит тўрга чиқиб ўтиргач, жўрттага. – Бу ёққа қайтиб келаётганимда, йўлда накд еттита йўлбарс олдимдан чиқса бўладими! Отдан тушдим-у, унисини у ёққа, бунисини бу ёққа улоқтирдим. Етталаси ҳам ер тишлаб қолди!

– Тўғри айтасан! – дебди ўтирганлар унинг гапларини маъқуллаб. – Мен бир одамнинг олтита йўлбарсни ўлдирганини кўрганман-у...

– Мен бирваракайига ўнта йўлбарсни енгган одам билан гаплашганман.

– Сиздай мард дунёга бир марта келади!..

Йигит бир муддат жим қолибди-да:

– Вой, фалакнинг гардиши-ей! – дебди оғир хўрсиниб.

Ёшлигимда қайси қариянинг хизматини қилмайин, барчасининг дуоси бир хилда бўларди: «Умринг офтобдай ёруғ бўлсин».

Ўз вақтида мен бу дуоларнинг маъносини теран англаб етмай, «Ёмон бўлса, нега худо тунни яратдийкин?» дея ажабланардим.

Бундан ҳам ажабланарлиси:

«Тун яхши», дердилар қовун ўғирлашга борадиган болалар.

«Тун яхши», дердилар менга хат ташитадиган ошиқлар.

Кейинчалик тушундимки, кексаларнинг: «Умринг офтобдай ёруғ бўлсин», деганлари асли: «Ҳаётингда ўзингга сирдош, жондош-қондош, гапларингга чанқоқ, қадрдон, дилкаш суҳбатдошларинг кўпроқ бўлсин», дегани экан. Ҳаётинг ҳам, кўнглинг ҳам офтобдай чароғон бўлиши учун бундай суҳбатдошлар жуда-жуда зарур экан.

Ҳатто нотаниш одам билан суҳбатлашишнинг ҳам гашти бор: янги бир дунё кашф этгандек бўласиз.

Бу ҳикматли гап умримнинг ҳеч қачон сўнмас йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

Бобомнинг насиҳатларидан: Ҳар бир одам эрталаб ишга кетаётиб ўзига-ўзи «Кимсан?» деб сўроқ қўйса, кечқурун уйқуга ётишда «Бугун сен ким бўлдинг?» деса, бундай одамдан ўзига ҳам, халқига ҳам, инсониятга ҳам зиён-заҳмат етмайди.

Одам учун энг аъло фазилат – ўзига зиён-заҳмат етказмаган ҳеч бир жонзотга жабр қилмаслик.

Ҳар инсон ўз халқининг бир жигарбанди. Ҳар инсонга ўз халқи – тириклик бахш этувчи қон томири.

Агар кимдир бировга жабр-зулм етказишга чоғланса, у бир халқнинг жигарини эзгани.